

POSSIBILITIES OF USE OF LAND TAX, PROPERTY TAX AND WATER RESOURCES FROM LEGAL ENTITIES

X.B. Boltaev

Bank Finance Academy Master's Degree -

+998 93-764-20-02

Abstract:

This article describes the scientific and practical basis for the formation of the state budget revenue base of local taxes. Expansion of the tax base is based on the possibility of strengthening the revenue base of local budgets through the rational use of the economic potential of the regions.

Keywords: Local taxes and fees, legal entities, property tax from legal entities, taxpayers, tax benefits, tax rate, tax calculation procedure, tax payment procedure.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони ҳамда солиқ соҳасидаги бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, солиқ тўловчиларга:

- Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи қўйидагича ҳисоблаб чиқарилади ва тўланади:

- **Солиқ солиш обьекти**-Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари.
- **Солиқ солинадиган база**-Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий ер майдони.
- **Солиқ ставкалари қандай аниқланади**-Ер солифининг ставкалари ер майдонининг жойлашган жойига қараб аниқланади.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

қарори билан тасдиқланади ҳамда ер солиғи солиқ даврининг 1 январь ҳолатига кўра ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ер солиғи суммаси қуидаги тартибда аниқланади:

$$EC=CCB*CC*K$$

Бу ерда:

ЕС – ер солиғи суммаси;

ССБ – солиқ солинадиган база (*ер майдони, гектар*);

1. – солиқ ставкаси;

K – тузатувчи ва ер майдонини марказларга яқин жойлашувига қараб қўлланиладиган коэффициент.

Мисол: “Sharq” АЖ ер солиги суммасини умумий майдонни солиқ ставкасига кўпайтириши орқали ҳисоблаб чиқаради.

ЕС = 1,2 гектар x 78 705 281 сўм (3-зона) = 94 446 337 сўм

ер майдони солиқ ставкаси солиқ суммаси

Ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддати жорий солиқ даврининг 10 январига қадар тақдим этилади. (*янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кундан кечиктирмай*) мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставгадан келиб чиқсан ҳолда солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Жорий тўловлар микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан:

- мол-мулк солиғи йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - йиллик суммасининг ўн иккidan бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар кимлар ҳисбланади:

- юридик шахслар-Ўзбекистон Республикаси резидентлари;
- фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари

Солиқ солиши объекти эса ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари. Солиқ солинадиган база ер усти ва ер ости манбаларидан олинган ва фойдаланилган сувнинг ҳажми (куб метр), белгиланган солиқ имтиёзларини, улар бўлган тақдирда, чегирган ҳолда солиққа тортиладиган база ҳисобланади.

Солиқ солинадиган база қуийдагича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ССБ}=\text{СРХ}\cdot\text{ССБК}$$

бу ерда:

ССБ – солиқ солиши базаси;

СРХ – сув ресурслари ҳажми (куб метр);

ССБК – солиқ солинадиган базани камайтириш.

Бунда, солиқ солиши базаси фойдаланилган сув ресурсларининг жами ҳажмидан Солиқ кодексининг 261-моддаси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ озод этилиши ҳамда чегирилиши белгиланган муайян ҳажмларни айирган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларисиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиши лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмлари ҳисоби алоҳида-алоҳида юритилади.

Иккита манба - ер усти ва ер остидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Сув етказиб берувчи корхоналар сув ресурсларини ер усти ва ер ости манбаларига тақсимлаш маълумотларини жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этишлари керак.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда (олинганда) солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи (ижрага олувчи) томонидан аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ имтиёзлари Солиқ кодексининг 261-моддаси ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари тегишли молиявий йил учун белгиланган бюджет-солиқ сиёсати асосида қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларига доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

2018 йил учун солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган*:

T/p	Тўловчилар	1 куб метр учун ставка:	
		ер усти сув ресурслари манбалари, сўм	ер ости сув ресурслари манбалари, сўм
1	Иктисиётийнинг барча тармоқлари корхоналари	98,2	124,8
2	Электростанциялар	28,4	42,2
3	Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	53,9	69,7
4	Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар:		
	-алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича	15 870,0	15 870,0
	- бошқа мақсадларда	98,2	124,8

(*Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди)

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{СрфуС} = \text{ССБ} * \text{СС}$$

бу ерда:

СрфуС – сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

ССБ – солиқ солиш базаси (сув ҳажми, m^3);

СС – 1 куб м учун белгиланган солиқ ставкаси.

Мисол: “Sharq” АЖ сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ суммасини йил давомида истеъмол қилган сув ҳажмини солиқ ставкасига кўпайтириши билан ҳисоблаб чиқаради.

СрфуС = 5 000 куб метр (шундан, $3600 m^3$ ер усти, $1 400 m^3$ ер ости) x

300 сўм (ер усти), 360 сўм (ер ости) =1080 000 сўм, 504 000 сўм =**1584000 сўм.**

Солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 25 январигача (янги ташкил қилинганлар томонидан - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай) мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда жорий тўловлар тўғрисида маълумотномани тақдим этадилар.

Солиқ даври мобайнида юзага келган мажбуриятлар бўйича солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома мажбурият юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли.

Солиқ даврида солиқ суммаси ЭКИҲнинг 200 бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан - ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг ўн иккidan бир қисми микдорида тўланади. Солиқ даврида солиқ суммаси ЭКИҲнинг 200 бараваридан камни ташкил этадиган микро фирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар - йилнинг ҳар чораги учинчи ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, солиқ йиллик суммасининг 1/4 қисми микдорида тўлайди. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилига бир марта - йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-599-сонли Қонуни.
2. www.soliq.uz-Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг сайти.
3. www.lex.uz-Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.